



Yuridik shaxs (tadbirkorlik subyektini) davlat ro'yxatidan o'tkazilganligi to'g'risida

## GUVOHNOMA

Ushbu bilan Tadbirkorlik subyektlari yagona davlat reyestriga

**"FARG'ONA YOG'-MOY" Aksiyadorlik jamiyatি**

(Yuridik shaxsning – tadbirkorlik subyektining tashkiliy-huquqiy shakli ko'satilgan holdagi to'liq nomi)

**"FARG'ONA YOG'-MOY" AJ**

(Yuridik shaxsning qisqartirilgan nomi)

Tashkil etish (qayta tashkil etish, boshqa ro'yxatdan o'tkazish ma'lumotlarini o'zgartirish)

23.07.2014

830

ro'yxat raqamli yozuv kiritilganligi tasdiqlanadi.

(Sana, oy (so'z bilan), yil):

Soliq to'lovchining identifikasiya raqami (STIR):

200146438

Tashkiliy-huquqiy  
shakli:

Aksiyadorlik jamiyatি

Joylashgan joyi:

Farg'ona viloyati, Farg'ona shahri, ME'MOR KO'CHASI, 9-UY,

Guvochnoma:

Farg'ona viloyati, Farg'ona shahri, DAVLAT XIZMATLARI  
MARKAZI

tomonidan  
berilgan

(Ro'yxatdan o'tkazuvchi organning to'liq nomi):





5229297

## O'zgarishdan oldingi Tasischilar

		Ta'sischi turi	Ta'sischi STIRI	F.I.Sh. / Nomi	Miqdori	Ulushi
20.07.2022 r		Jismoniy shaxs	0	BIR MING IKKI YUZ ON UCH DONA JISMONY SHAHSLAR XXXXXX XXXXX (AA0000000, null)	2 791 168	15.55 %
O'zgarishdan oldin		Yuridik shaxs	200146438	DAVLAT ULISHI	160.00	
1 Yuridik shaxsing - tadbirkorlik subyekting nomi		O'zgarishdan keyin			15 159 834	84.45 %
200146438, FARG'ONA YOG' MOY		Yuridik shaxsing - tadbirkorlik subyekting nomi			580.00	
THSh Aksiyadorlik jamiyat		O'zganishlarsiz				
3 Faoliyat yuritish manzili		Faqoliyat yuritish manzili				
Farg'ona viloyati, Farg'ona shahri, MEMOR KOCHASI, 9-UY,		O'zganishlarsiz				
4 IFUT O'simlik va hayvonlар yog'lari va moylarini ishlab chiqarish		IFUT O'zganishlarsiz				

Ustav fondi 17 951 002 740.00 UZS 100.00 %

## O'zgarishdan keyingi Tasischilar

		Ta'sischi turi	Ta'sischi STIRI	F.I.Sh. / Nomi	Miqdori	Ulushi
20.07.2022 r		Jismoniy shaxs	0	KAYUMOV BUNYOD TASHMATOVICH (AA3121013, 322021764320017)	2 791 168	15.55 %
O'zgarishdan keyingi Tasischilar		Yuridik shaxs	200146438	DAVLAT ULISHI	160.00	
1 Yuridik shaxsing - tadbirkorlik subyekting nomi		O'zgarishlarsiz			15 159 834	84.45 %
200146438, FARG'ONA YOG' MOY		O'zganishlarsiz			580.00	

Ustav fondi 17 951 002 740.00 UZS 100.00 %



**“ҚАЙТА ДАВЛАТ  
РҮЙХАТИДАН ЎТКАЗИЛГАН”**

Фарғона вилояти

Фарғона шаҳар Давлат хизматлари маркази

томунидан

2022 йил “20” майда

-830- сонлий реестр тартиб

раками билан



**“ТАСДИҚЛАНГАН”**

“Фарғона ёғ-мой”

акциядорлик жамияти

акциядорларининг

2022 йил “28” июнданги

Акциядорларнинг йиллик умумий

йигилиши

қарори билан

**"FARG'ONA YOG'-MOY"  
AKSIYADORLIK JAMIYATI**

**У С Т А В И**

(Янги таҳрирда)

Фарғона—2022 йил

## **МУНДАРИЖА**

- I. Жамиятнинг номи, жойлашган манзилива ҳуқуқий ҳолати
- II. Жамиятнинг фаолият соҳаси (асосий йўналишлари) мақсади ва вазифалари
- III. Устав капиталининг микдори, уни кўпайтириш ва камайтириш тартиби
- IV. Жамият акцияларининг турлари, номинал қиймати ва хар хил турдаги акцияларнинг нисбати
- V. Акцияларни жойлаштириш тартиби ва шартлари
- VI. Акциядорларнинг ҳуқук ва мажбуриятлари
- VII. Даромадни (фойдани), дивиденdlарни тақсимлаш ва зарарни қоплаш тартиби
- VIII. Захира Фонди ва бошқа фондларни ташкилэтиш тартиби
- IX. Жамиятнинг бошқарув органлари
- X. Жамият акциядорларининг умумий йигилиши
- XI. Жамият кузатув кенгаши
- XII. Жамият ижроия органи (бошқаруви)
- XIII. Миноритар акциядорлар қумитаси
- XIV. Молия-хўжалик фаолиятини назорат килиш
- XV. Корпоратив маслаҳатчи
- XVI. Жамиятни қайта ташкил этиш ва тугатиш
- XVII. Якуний қоидалар

## I. УМУМИЙ ҚОИДАЛАР

1.1. Ушбу Устав Ўзбекистон Республикасининг “Акциядорлик жамиятлари ва акциядорларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш тўғрисида”ги Конунига ҳамда бошқа меъёрий-хукукий хужжатларга асосан ишлаб чиқилганбўлиб, “Farg`ona yog`-moy” акциядорлик жамияти (кейинги ўринларда – Жамият деб юритилади) фаолиятини тартибга солади.

1.2. Жамият ўз фаолиятини Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси, Фуқаролик кодекси, “Акциядорлик жамиятлари ва акциядорларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш тўғрисида”ги Конуни ҳамда бошқа норматив-хукукий хужжатлар ва мазкур Уставга мувофиқ олиб боради.

1.3. Жамиятнинг тўлиқ номи:

Ўзбек тилида, лотин алифбосида – “Farg`ona yog`-moy” aksiyadorlik jamiyati;

Ўзбек тилида, кирил алифбосида – “Фарғона ёғ-мой” акциядорлик жамияти;

Рус тилида – Акционерное общество “Farg`ona yog`-moy”;

Инглизтилида – “Fargona yog-moy” joint-stock company.

1.2. Жамиятнинг қисқартирилганноми:

Ўзбек тилида, лотин алифбосида – “Farg`ona yog`-moy” AJ;

Ўзбек тилида, кирил алифбосида – “Фарғона ёғ-мой” АЖ;

Рус тилида – АО “Farg`ona yog`-moy”;

Инглиз тилида – “Fargona yog-moy” JSC.

1.3. Жамиятнинг жойлашган ери (почта манзили): 150117, Ўзбекистон Республикаси, Фарғона вилояти, Фарғона шахри, 150117, Фарғона шахар, Меъмор кўчаси, 9-йи.

1.4. Жамиятнинг электрон почта манзили: [info@fyom.uz](mailto:info@fyom.uz)

1.5. Жамиятнинг расмий веб-сайти: [www.fyom.uz](http://www.fyom.uz)

1.6. Жамият фаолият кўрсатиш муддати – чекланмаган муддатга ташкил этилган.

1.7. Жамият Ўзбекистон Республикаси қонунчилигига асосан юридик шахс хисобланади, ўзининг мустакил балансида ҳисобга олинадиган алоҳида мол-мулкига, шу жумладан ўзининг устав капиталига берилган мол-мулкка эга бўлади, ўз номидан мулкий ва шахсий-номулкий ҳуқуқларни олиши ҳамда амалга ошириши, зиммасига мажбуриятлар олиши, судда даъвогар ва жавобгар бўлиши мумкин.

1.8. Жамият ўзининг ташкилий-хукукий шакли кўрсатилган тўлиқ фирма номига ва қисқартирилган фирма номига эга бўлади. Жамият ўзининг фирма номи давлат тилида тўлиқ ёзилган ҳамда жойлашган ери кўрсатилган юмалоқ муҳрга эга бўлиши лозим (муҳрда бир вақтнинг ўзида фирманинг номи бошқа исталган тилда ҳам кўрсатилиши мумкин), ўз номи ёзилган штамп ва бланкаларга, ўз тимсолига, шунингдек бошқа ўз белги-аломатларига эга бўлишга хақлидир.

1.9. Жамият ўзининг почта манзили ва электрон почта манзили ўзгарганлиги тўғрисида юридик шахсларни давлат рўйхатидан ўтказувчи органларни ёзма билдириш юбориш йўли билан, акциядорларни эса оммавий ахборот воситаларида эълон бериш йўли билан хабардор этиши шарт.

1.10. Акциядорлар жамиятнинг мажбуриятлари юзасидан жавобгар бўлмайди ва унинг фаолияти билан боғлик заарларнинг ўрнини ўзларига тегишли акциялар киймати доирасида қоплаш таваккалчилигини ўз зиммасига олади.

1.11. Акциялар хақининг хаммасини тўламаган акциядорлар Жамиятнинг мажбуриятлари юзасидан ўзларига тегишли акциялар кийматининг тўланмаган қисми доирасида солидар жавобгар бўладилар.

1.12. Жамият ўз акциядорларининг мажбуриятлари юзасидан жавобгар хисобланмайди.

1.13. Жамиятнинг мол-мулки унга мулк ҳукуки асосида тегишли бўлиб, жамият акцияларини жойлаштиришдан тушган маблағлар, асосий фондлар ва айланма маблағлар, кўчар ва кўчмас мулклар, қимматли коғозлар, олинган даромад, конун хужжатлари билан таъқиланмаган бошқа асосларда олинган бошқа мол-мулклардан ташкил топади.

1.14. Жамият конун хужжатларида кўзда тутилган акциядорлик жамияти ёки масъулияти чекланган жамияти шаклдаги шўъба ва тобе хўжалик жамиятларни ташкил этишга хақлиdir.

1.15. Жамият ўрнатилган тартибда Ўзбекистон Республикаси худудида филиаллар ташкил этиши ҳамда уларга конун хужжатлари ва Жамият Уставида белгиланган доирада ва тартибда ваколатлар бериши мумкин.

1.16. Жамият корхоналар, ташкилотлар ва бошқа тижорат тузилмаларини ташкил этишда ва уларнинг хўжалик фаолиятида, шу жумладан холдинг асосида ҳам ўз маблағлари билан, шу жумладан улуш кўшиш асосида қатнашиш ҳукуқига эга.

1.17. Жамият ўз фаолиятини мувофиқлаштириш, ўз манфаатларини ифода этиш ва химоя қилиш ҳамда биргаликдаги дастурларни амалга ошириш мақсадида уюшмалар (иттифоклар) ва ўзга бирлашмаларда қатнашиши мумкин.

## **II. ЖАМИЯТ ФАОЛИЯТНИНГ АСОСИЙ ЙЎНАЛИШЛАРИ, МАҚСАДИ ВА ВАЗИФАЛАРИ**

2.1. Жамият тижорат ташкилоти бўлиб, унинг асосий фаолият соҳаси (асосий йўналиши)нинг мақсади Жамиятнинг молиявий-хўжалик фаолиятидан акциядорлар манфаатлари учун пахта чигитини, кунгабоқар ва соя ўсимлигини қайта ишлаб (ферментация қилиш) орқали улардан озиқ ва ноозик овқат маҳсулотларини ишлаб чиқариб сотиш хисобига фойда олишдир.

Жамият асосий фаолият йўналишидан ташқари Ўзбекистон Республикаси қонунчилигига зид бўлмаган ҳар қандай фаолият билан шуғулланиши мумкин.

2.2. Жамият 2.1-бандда белгилаб берилган мақсадларини амалга ошириш учун, Жамиятнинг фаолият соҳаси (асосий йўналишлари) куйидагилардан иборат бўлади:

- тозаланган пахта ёғи ҳамда бошқа озиқ – овқат ва ёғ-мой маҳсулотларини ишлаб чиқариш ва сотиш;

- ювиш воситалари, шу жумладан хўжалик совуни ва бошқа техникавий маҳсулотларни ишлаб чиқаришва сотиш;

- озиқ-овқат, кондитер, нон, консерва маҳсулотларини ишлаб чиқариш, умумий овқатланиш соҳасида хизматлар кўрсатиш;

- кишлоқ хўжалиги, паррандачилик ва чорвачилик маҳсулотларини ҳамда бошқа истеъмол молларини етишириш, қайта ишлаш, тайёрлаш, сақлаш ва сотиш;

- автотранспорт хизматлари ва ишлари, шу жумладан юк ва йўловчиларни ташиш бўйича, автотранспорт ҳамда бошқа харакат техник воситаларини таъмирлаш ва уларга техник хизмат кўрсатиш;

- ҳалқ истеъмол молларини, шу жумладан шрот, пўчок (шелуха), гудрон ишлаб чиқариш ва сотиш, шунингдек техник йуналишидаги, ҳалқ хўжалиги маҳсулотларини ишлаб чиқариш ва сотиш;

- аҳоли, корхоналар, муассасалар ва ташкилотларга турлича кўриниш ва шаклларда пулли хизматлар, шу жумладан майший хизматларни кўрсатиш;

- курилиш-монтаж, монтаж-таъмирлаш, электромонтаж ва созлаш ҳамда таъмирлаш ишлари бўйича хизматлар кўрсатиш;

- Ўзбекистон Республикаси қонунчилигига мувофиқ ташқи иқтисодий фаолиятни олиб бориш;

- Ўзбекистон Республикасида ва унинг ташқарисида мустақил равиша ёки воситачилар орқали Ўзбекистон Республикаси қонунчилигига таянган ҳолда улгуржи ва чакана савдоларни амалга ошириш;

- Ўзбекистон Республикаси қонунчилигига мувофиқ Ўзбекистон Республикаси ва унинг ташқарисида барча турдаги товар ва мол-мулкни (моддий ва номоддий, кўчмас ёки кўчар) ишлаб чиқариш, қайта ишлаш, куриш, сотиб олиш, битимлар тузиш, ижарага олиш ёки бошқа йўллар билан олиш ва/ёки сотиш, ижарага бериш, гаровга қўйиш, ёки юкорида кўрсатилган микдорда бошқа ҳар қандай йўл билан фойдаланиш ёки эгалик қилиш ҳукуқини бошқа бирорга бериш ҳар қандай турдаги хизматларни, жумладан маслаҳат, маъмурий ва брокерлик хизматларини кўрсатиш;

- товар ва валюта биржалари ишларида қатнашиш;

- Ўзбекистон Республикасида Жамият маблағларини сармоя қилиш, шунингдек сармоялар, акциялар, кредитлар ва бошқа қимматли қоғозларни сотиб олиш ва/ёки ўтказиш, айирбошлаш ёхуд улардан бошқайўллар билан Ўзбекистон Республикаси қонунчилигига мувофиқ фойдаланиш;

- Ўзбекистон Республикаси қонунчилигига мувофиқ қимматли қоғозларини чиқариш ва сотиш;

- Ўзбекистон Республикасида ва унинг ташқарисида кўргазма ва аукционлар ташкил этиш, уларда қатнашиш ҳамда шу каби бошқа фаолият билан шуғулланиш;

- хайрия ва ҳомийлик бадаллари киритиш ҳамда соғликни сақлаш, маданият ва фанга қонунчиликда белгиланган тартибда маблағ ажратиш. Бунда жамиятнинг ҳомийлик ва бошқа кайтарилмайдиган ёрдамлар учун ҳаражатлари ўтганмолиявий йил соғ фойдасининг 10 фоизидан ортиб кетмаслик шарти билан амалга оширилади;

- Ўзбекистон Республикаси қонунчилигига мувофиқ лотереялар, реклама кампанияларини ўтказиш.

Амалга оширилиши учун маҳсус руҳсаённомалар (лицензиялар) талаб этиладиган фаолият турлари қонунчиликда белгиланган тартибда лицензиялар берилганидан сўнг амалга оширилади.

### **2.3. Илмий-техник маркази.**

2.3.1. Жамият қошида соя экинини етиштириш агротехнологиясини такомиллаштириш, маҳаллий селекция ва уруғчилигини ривожлантириш, илгор фан-техника ютукларини жорий этиш ҳамда хорижий соя навларини республиканинг турли тупроқ-икълим шароитларида синаш, юқори ҳосилдор навларни маҳаллийлаштириш, соя экин майдонларидан юқори ҳосил олинишга эришиш мақсадида Соя селекцияси, уруғчилиги, уни етиштириш агротехникаси ва қайта ишлашни ривожлантириш бўйича илмий-техник маркази (кейинги ўринларда – Илмий-техник маркази) ташкил этилади.

2.3.2. Илмий-техник марказ фаолиятининг асосий мақсад ва вазифалари, ҳукуқ ва мажбуриятлари ҳамда фаолиятининг бошқа меъёрларини тартибга соловчи нормалар жамиятнинг бошқарув органи томонидан ўрнатилган тартибда тасдиқланган “Илмий-техник маркази тўғрисидаги низом” да белгиланади.

2.3.3. Илмий-техник марказнинг ходимлари сони жамиятнинг ташкилий тузилмасида белгиланган миқдорда бўлиб, улар тегишли олий маълумотгаэга бўлган (техник ходимлари бундан мустасно) малакалий мутахассис кадрлардан иборат бўлади.

2.3.4. Илмий-техник марказлари фаолияти Жамиятнинг маблағлари хисобидан молиялаштирилади.

## **III. УСТАВ КАПИТАЛИНИНГ МИҚДОРИ, УНИ КЎПАЙТИРИШ ВА КАМАЙТИРИШ ТАРТИБИ**

3.1. Жамиятнинг устав капитали акциядорлар олган Жамият акцияларининг номинал қийматидан ташкил топади.

3.2. Жамиятнинг устав капитали **17 951 002 740** (ўн етти миллиард тўққиз юз эллик бир миллион икки минг етти юз кирқ) сўмни ташкил қиласди. У ҳар бирининг номинал қиймати **4895** (тўрт минг саккиз юз тўксон беш) сўмдан бўлган **3 643 308** (уч миллион олти юз кирқ уч минг уч юз саккиз) дона оддий ва **23 904** (йигирма уч минг тўққиз юз тўрт) дона имтиёзли акцияларга бўлинган.

### **а) Устав капиталини кўпайтириш.**

3.3. Жамиятнинг устав капитали қўшимча акцияларни жойлаштириш йўли билан кўпайтирилиши мумкин.

Кўшимча акциялар фақат жамият уставида белгиланган, эълон қилинган акцияларнинг сони доирасида жамият томонидан жойлаштирилиши мумкин.

3.4. Кўшимча акцияларни жойлаштириш йўли билан Жамият устав капиталини кўпайтириш ва шу юздан Жамият Уставига тегишли ўзгартиришларни киритиш тўғрисидаги карор Жамият Кузатув кенгаси томонидан қабул қилинади.

Жамиятнинг устав капиталини қўшимча акцияларни жойлаштириш йўли билан кўпайтириш жалб қилинган инвестициялар, жамиятнинг ўз капитали ва хисобланган дивидендлар хисобидан қонун хужжатларида белгиланган тартибда амалга оширилиши мумкин.

Кўшимча акциялар Жамият томонидан ушбу Уставда белгиланган эълон қилинган акциялар сони доирасидагина жойлаштирилади.

3.5. Жамиятнинг устав капиталини унинг ўз капитали хисобидан қўшимча акцияларни жойлаштириш йўли билан кўпайтиришда бу акциялар барча акциядорлар ўртасида тақсимланади. Бунда ҳар бир акциядорга қайси турдаги акциялар тегишли

бўлса, айни ўша турдаги акциялар унга тегишли акциялар сонига мутаносиб равишда тақсимланади.

1. 3.6.Жамиятнинг жойлаштирилган акцияларига кўшимча равишда жойлаштиришга ҳақли бўлган эълон килинган акцияларнинг энг кўп миқдориноминал қиймати **4895**(тўрт минг саккиз юз тўқсон беш) сўм бўлган **30 000000** (ўттиз миллион) дона оддий ва **71712**(етмиш бир минг етти юз ўн икки) дона имтиёзли акциялардан иборат.

3.7.Кўшимча акцияларни жойлаштириш йўли билан Жамият устав капиталини кўпайтириш тўғрисидаги қарорда, жойлаштириладиган қўшимча акцияларнинг умумий қиймати, сони, тури, номиналкймати, жойлаштириш тартиби, усули, муддати, жойлаштириш нархи, акциялар учун тўлов тартиби, амалга ошмаган деб топиш улуши ва амалга ошмаган деб топилган тақдирда акциялар учун қабул килинган тўлов воситаларини қайтариш тартиби белгиланади.

3.8.Кўшимча чиқарилган акциялар бозор қийматида, лекин номинал қийматидан кам бўлмаган қийматда жойлаштирилади.

3.9.Жамият акцияларини жойлаштириш чоғида уларга ҳақ тўлаш қонун хужжатларида белгиланган тартибда пул ва бошқа тўлов воситалари, мол-мулк, шунингдек пулда ифодаланадиган баҳога эга бўлган хукуклар (шу жумладан мулкий хукуклар) орқали амалга оширилади.

#### **б) Устав капиталини камайтириш**

3.10.Жамиятнинг устав капитали акцияларнинг номинал қийматини ёки уларнинг умумий сонини қисқартириш йўли билан, шу жумладан акцияларнинг бир қисмини Жамиятнинг ўзи кейинчалик муомаладан чиқариш шарти билан сотиб олиш йўли билан камайтирилиши мумкин.

3.11.Агар устав капиталини камайтириш натижасида унинг миқдори Уставга киритилган тегишли узгартеришларни руйхатдан ўтказиш куни белгиланадиган устав капиталининг энг кам миқдоридан қонун хужжатларида белгиланган миқдоридан камайиб кетадиган бўлса, Жамият устав капиталини камайтиришга ҳақли эмас.

3.12.Устав капиталини камайтириш ва шу орқали Жамият Уставига тегишли ўзгартеришлар киритиш хақидаги қарор акциядорларнинг умумий йиғилиши томонидан қабул қилинади.

3.13.Устав капиталини камайтириш тўғрисида қарор қабул килган вактда акциядорларнинг умумий йиғилиши устав капиталини камайтириш сабабларини кўрсатади ва уни камайтириш тартибини белгилайди.

### **IV. ЖАМИЯТ АКЦИЯЛАРИНИНГ ТУРЛАРИ, НОМИНАЛ ҚИЙМАТИ ВА ХАР ҲИЛ ТУРДАГИ АКЦИЯЛАРНИНГ НИСБАТИ**

4.1.Жамият номинал қиймати **4895**(тўрт минг саккиз юз тўқсон беш) сўм бўлган оддий ёки имтиёзли акцияларни чиқариш ва уларни жойлаштиришга ҳақлидир, бунда имтиёзли акцияларнинг умумий номинал қиймати Жамият устав капиталининг **20** (йигирма) фоизидан ошмаслиги лозим.

4.2.Жамият қонун хужжатларида назарда тутилган облигациялар ва бошқа қимматли қоғозларни жойлаштиришга ҳақли.

## **V. АКЦИЯЛАРНИ ЖОЙЛАШТИРИШ ТАРТИБИ ВА ШАРТЛАРИ**

5.1.Жамиятнинг кўшимча акцияларни жойлаштириш тўғрисидаги қарорида чиқарилаётган акцияларни жойлаштириш усули белгиланади.

5.2.Жамият томонидан акцияларни ва акцияларга айирбошланадиган, хаки пул маблағлари билан тўланадиган эмиссиявий қимматли қофозларни жойлаштиришда овоз берувчи акцияларнинг эгалари бўлган акциядорлар акциядорларнинг умумий йиғилиши қарорига асосан уларни имтиёзли олиш хуқукига эга бўлиши мумкин.

Имтиёзли хуқуқка эга бўлган шахсларнинг рўйхати қимматли қофозларни чиқариш тўғрисидаги қарор қабул килинган санадаги жамият акциядорлари реестрининг маълумотлари асосида тузилади.

5.3.Имтиёзли хуқукнинг амал қилиш муддати билдириш эълон килинган пайтдан эътиборан ўн кундан кам ва ўттиз кундан кўпбўлиши мумкин эмас.

## **VI. АКЦИЯДОРЛАРНИНГ ХУҚУҚ ВА МАЖБУРИЯТЛАРИ**

6.1.Жамият акциядорларининг хукуклари:

- Жамиятнинг акциядорлари реестрига киритилиш;
- ўзи ҳақида депозитарийдаги депо ҳисоб варагидан кўчирма олиш;
- Жамият фойдасининг бир қисмини дивидендлар тарзида олиш;
- Жамият тугатилган такдирда узларига тегишли улушга мувофиқ мол-мулкнинг бир қисмини олиш;
- Жамиятни бошқаришда иштирок этиш;
- Жамиятнинг Уставига мувофиқ Жамиятнинг молия-хўжалик фаолияти натижалари тўғрисида тўлиқ ва тўғри ахборот олиш;
- олган дивидендини эркин тасарруф этиш;
- қимматли қофозлар бозорини тартибга солиш бўйича ваколатли давлат органида, шунингдек судда ўз хукукларини ҳимоякилиш;
- қимматли қофозлар бозорининг профессионал иштирокчилари ва эмитентларнинг укувсиз ёки ғаразли хатти-харакатлари туфайли кўрган заарнинг тўланишини талаб қилиш;
- ўз манфаатларини ифодалаш ва ҳимоякилиш мақсадида уюшмалар ва бошка жамоат ташкилотларига бирлашиш;
- ўзларининг хамкорликдаги позициясини шакллантириш мақсадида акциядорлар, шу жумладан миноритар акциядорлар ўзаро акциядорлик битимларини тузишга ҳакли;
- жамиятнинг 5(беш) фоиз улушга эга акциядори аудиторлик текширувуни ўтказиш ташаббуси билан чикишга ҳакли;
- қимматли қофозлар сотиб олиш вақтида заар куриш ва (ёки) фойданинг бир қисмини йўқотиш эҳтимоли билан боғлик таваккалчиликни сугурталаш.

6.2. Акциядорлар мазкур Уставда ва қонунчиликда назарда тутилган бошка хукукларга хам эга бўладилар.

6.3.Жамият акциядорлари қуйидаги мажбуриятларга эга:

- Жамиятнинг Устав қоидаларига ва Уставда кўрсатилган тартибда, микдорда ва усулда хисса кўшиш (акция ҳақини тўлаш);

- Жамият фаолияти тўғрисидаги махфий маълумотларни ташкил килувчи сирларни фош килмаслик.

Миноритар акциядор хужжатларни асоссиз равишда талаб қилиш ва махфий ахборотлар, тижорат сирларини қўллаш йўли билан жамият бошқарув органи фаолиятига тўскинлик қилмаслиги лозим.

6.4.Акциядорлар мазкур уставда ва конунчиликда назарда тутилган бошка мажбуриятларга хам эга бўладилар.

## **VII. ДАРОМАДНИ (ФОЙДАНИ), ДИВИДЕНДЛАРНИ ТАҚСИМЛАШ ВА ЗАРАРНИ ҚОПЛАШ ТАРТИБИ**

7.1.Жамият имтиёзли акциялари ўз эгаларига ҳар йили акциялар номинал қийматининг 20 фоизидан кам бўлмаган миқдорида дивиденд олиш хукукини беради.

7.2.Жамият тугатилаётгандан имтиёзли акциялар бўйича тўланадиган дивиденднинг миқдори ёки тугатилиш қиймати акцияларнинг номинал қийматига нисбатан 100 фоиз миқдорида белгиланади.

7.3.Жамият акцияларнинг ҳар бир тури бўйича эълон қилинган дивидендларни тўлаши шарт.

7.4. Жамият акциядорлари умумий йигилиши қарорига биноан дивидендпул маблағлари ёки бошқа қонуний тўлов воситалари билан тўланиши мумкин.

Дивиденд акциядорлар ўртасида уларга тегишли акцияларнинг сонида турига мутаносиб равишда тақсимланади.

7.5.Жамият молиявий йилнинг биринчи чораги, ярим йиллиги, тўққиз ойи натижаларига кўра ва (ёки) молиявий йил натижаларига кўра жойлаштирилган акциялар бўйича дивидендлар тўлаш тўғрисида қарор қабул қилишга ҳақли.

7.6.Акцияларнинг ҳар бир тури бўйича дивидендлар тўлаш, дивиденднинг миқдори, уни тўлаш шакли ва тартиби тўғрисидаги қарор жамият кузатув кенгашининг тавсияси, молиявий ҳисботнинг ишончлилиги ҳақида аудиторлик хуносаси мавжуд бўлган тақдирда, молиявий ҳисбот маълумотлари асосида акциядорларнинг умумий йигилиши томонидан қабул қилинади. Дивидендларнинг миқдори жамият кузатув кенгаши томонидан тавсия этилган миқдордан кўп бўлиши мумкин эмас. Акциядорларнинг умумий йигилиши акцияларнинг муайян турлари бўйича дивидендлар тўламаслик тўғрисида, шунингдек жамият уставида дивиденд миқдори белгилаб қўйилган имтиёзли акциялар бўйича тўлиқ бўлмаган миқдорда дивидендлар тўлаш ҳақида қарор қабул қилишга ҳақли.

7.7.Дивидендлар тўлаш тўғрисидаги қарорда, дивиденднинг миқдори, дивидендни тўлаш шакли ва тартиби хамда уни тўлаш муддати яъни тўлаш бошланадиган ва тугайдиган саналар кўрсатилган бўлиши лозим.

7.8.Дивидендлар Жамият тасарруфида қоладиган соф фойдадан ва (ёки) ўтган йилларнинг тақсимланмаган фойдасидан тўланади.

7.9.Жамият томонидан оддий акциялар бўйича ҳисобланган дивидендларни тўлаш акциядорларнинг дивидендларни олишга бўлган teng хукукларига риоя этилган ҳолда амалга оширилади.

7.10. Имтиёзли акцияларнинг эгалари бўлган акциядорлар акциядорларнинг умумий йигилишида жамиятни қайта ташкил этиш ва тугатиш тўғрисидаги масалалар ҳал этилаётгандан овоз бериш хукуқи билан иштирок этади.

7.11.Имтиёзли акцияларнинг эгалари бўлган акциядорлар акциядорларнинг умумий йиғилишида жамият уставига имтиёзли акцияларнинг эгалари бўлган акциядорларнинг хуқукларини чекладиган ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш тўғрисидаги масалалар, шу жумладан, аввалги навбатдаги имтиёзли акциялар бўйича тўланадиган дивиденднинг микдорини белгилаш ёки кўпайтириш ва (ёки) тугатилиш қийматини белгилаш ёки кўпайтириш масалалари, шунингдек имтиёзли акцияларнинг эгалари бўлган акциядорларга дивиденд вабу акцияларнинг тугатилиш қийматини тўлаш навбати бўйича имтиёзлар бериш ҳоллари ҳал этилаётганда овоз бериш хуқукини олади.

7.12. Имтиёзли акцияларнинг эгалари бўлган акциядорлар акциядорларнинг умумий йиғилиши ваколат доирасига кирадиган масалалар бўйича овоз бериш хуқуки билан акциядорларнинг умумий йиғилишида иштирок этиш хуқуқига имтиёзли акциялар бўйича дивидендлар тўлаш тўғрисида қарор қабул қилинмаган ёки дивидендларни тўлик тўламаслик тўғрисида қарор қабул қилинган акциядорларнинг йиллик умумий йиғилишидан кейинги йиғилишдан бошлаб эга бўлади. Имтиёзли акцияларнинг эгалари бўлган акциядорларнинг акциядорлар умумий йиғилишида иштирок этиш хуқуки мазкур акциялар бўйича дивидендлар биринчи марта тўлик микдорда тўланган пайтдан эътиборан бекор қилинади.

7.13.Эгаси ёки унинг конуний хуқукий вориси ёхуд меросхўри томонидан уч йил ичидаги талаб қилиб олинмаган дивиденд акциядорларнинг умумий йиғилиши қарорига кўра жамият ихтиёрида қолади.

### **VIII. ЗАХИРА ФОНДИ ВА БОШҚА ФОНДЛАРНИ ТАШКИЛ ЭТИШ ТАРТИБИ**

8.1. Жамият соф фойда ҳисобидан ўз устав капиталининг 15 фоизи микдорида захира фондини ташкил этади.

8.2. Жамиятнинг захира фонди бошқа маблағлар мавжуд бўлмаган тақдирда, жамиятнинг заарлари ўрнини қоплаш, жамиятнинг корпоратив облигацияларини муомаладан чиқариш, имтиёзли акциялар бўйича дивидендлар тўлаш ва жамиятнинг акцияларини кайтариб сотиб олиш учун мўлжалланади.

8.3. Захира фондидан бошқа максадларда фойдаланиш мумкин эмас.

8.4.Жамият захира фондига ушбу уставнинг 8.1-бандида белгиланган микдорга етгунига кадар ҳар йили соф фойдадан 5 фоиздан кам бўлмаган микдорда ажратмалар ўтказади.

8.5.Захира фонди тўлалигича ёки қисман сарфланиб бўлганҳолларда мажбурий ажратмалардан тикланади.

8.6. Жамият фаолиятида зарур бўлган бошқа максадлар учун хам жамғармалар ташкил этилиши мумкин.

### **IX. ЖАМИЯТНИНГ БОШҚАРУВ ОРГАНЛАРИ**

9.1. Жамиятни бошқарув органлари куйидагилардан иборат:

- акциядорларнинг умумий йиғилиши;
- кузатув кенгаси;
- ижроия органи (бошқарув).

## **Х. ЖАМИЯТ АКЦИЯДОРЛАРНИНГ УМУМИЙ ЙИГИЛИШИ**

10.1.Акциядорларнинг умумий йигилиши жамиятнинг юкори бошқарув органидир.

10.2.Жамият хар йили Акциядорларнинг умумий йигилишини (акциядорларнинг йиллик умумий йигилишини) ўтказиши шарт. Акциядорларнинг йиллик умумий йигилиши молия йили тугаганидан кейин олти ойдан кечиктирмай ўтказилади.

Акциядорларнинг йиллик умумий йигилиши одатда йилнинг 30 июнь санаасигача ўтказилади.

Акциядорларнинг йиллик умумий йигилишдан ташқари ўтказиладиган умумий йигилишлари навбатдан ташқари йигилишлардир.

Акциядорларнинг умумий йигилишини Кузатув кенгашининг раиси, у узрли сабабларга кўра бўлмаган тақдирда эса Кузатув кенгашининг аъзоларидан бири, ёхуд акциядорлар томонидан ваколат берилган шахс томонидан олиб борилиши мумкин.

10.3. Жамият овоз берувчи акцияларининг ҳаммаси бўлиб камида бир фоизига эгалик қилувчи акциядорлар (акциядор) жамиятнинг молия йили тугаганидан кейин тўқсон кундан кечиктирмай, акциядорларнинг йиллик умумий йигилиши кун тартибига масалалар киритишга ҳамда жамият кузатув кенгashi ва тафтиш комиссиясига бу органнинг миқдор таркибидан ошмайдиган тарзда номзодлар кўрсатишга ҳакли.

10.4.Акциядорлар умумий йигилишининг ваколатлариға куйидагилар киради:

- Жамият Уставига ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш ёки Жамиятнинг янги таҳрирдаги Уставини тасдиқлаш;
- Жамиятни қайта ташкил этиш;
- Жамиятни тугатиш, тугатувчини (тугатиш комиссиясини) тайинлаш ҳамда оралиқ ваякуний тугатиш балансларини тасдиқлаш;
- Жамият Кузатув кенгашининг сон таркибини белгилаш, уларнинг аъзоларини сайлаш ва аъзоларнинг ваколатларини муддатидан илгари тугатиш;
- Жамият Бошқарув раисини хорижий менежерлар номзодларининг иштирок этишига имкон яратилган ҳолда (қоида тарикасида) танлов асосида сайлаш (тайинлаш) ва унинг ваколатларини муддатидан илгари тугатиш.
- эълон қилинган акцияларнинг энг кўпмикдорини белгилаш;
- устав капиталини камайтириш;
- жойлаштирилган акцияларини сотиб олиш;
- жамиятнинг йиллик бизнес-режасини тасдиқлаш;
- Жамиятнинг ташкилий тузилмасини тасдиқлаш;
- Жамият тафтиш комиссияси аъзоларини сайлаш ва уларнинг ваколатларини муддатидан илгари тугатиш, шунингдек тафтиш комиссияси тўғрисидаги низомни тасдиқлаш;
- Жамият фаолиятининг асосий йўналишлари ва мақсадидан келиб чиқкан ҳолда жамиятни ўрта муддатга ва узок муддатга ривожлантиришнинг аниқ муддатлари белгиланган стратегиясини тасдиқлаш;
- Жамият йиллик ҳисботини, бухгалтерия балансларини, фойда вазарарлари ҳисоб-варагини тасдиқлаш;
- Жамиятнинг фойдаси ва заарларини таксимлаш;
- Жамият Кузатув кенгашининг ва тафтиш комиссиясининг ўз ваколат доирасига кирадиган масалалар юзасидан, шу жумладан, жамиятни бошқаришга доир

қонун ҳужжатларида белгиланган талабларга риоя этилиши юзасидан жамият кузатув кенгаши ва тафтиш комиссиясининг ҳисоботларини эшитиш;

- умумий йигилиш регламентини тасдиқлаш;
- акцияларни майдалаш ва йириклаштириш;

-“Акциядорлик жамиятлари ва акциядорларнинг хукуқларини химоя қилиш тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикасининг Қонунининг 8-бобига асосан баланс киймати ёки олиш қиймати битим тузиш тўғрисида қарор қабул қилинаётган санада Жамият соғ активлари микдорининг (Жамият соғ активлари микдори қарор қабул қилинаётган санадан олдинги хисботи санасига тузилган молиявий хисбот бўйича аникланади) 50 (эллик) фоизидан ортигини ташкил этувчи мол-мулк хусусида йирик битим тузиш тўғрисидаги қарор қабул қилиш;

- Жамият Корпоратив бошқарув кодексига риоя этиш мажбуриятини олиш тўғрисида қарор қабул қилиш ва хабарни ошкор қилиш шаклини тасдиқлаш;

- Жамият мансабдор шахсларига Корпоратив бошқарув кодекси тавсияларига, корпоратив бошқарув кодексда назарда тутилган ахборотларни ошкор этмаганлик шунингдек ички меҳнат тартиби қоидаларига риоя этмаганлик учун Ўзбекистон Республикасининг Мехнат кодексида кўрсатилган интизомий жазо чораларини кўллашга хақли;

- Жамият Кузатув кенгашигат тўланадиган ҳак, мукофот ва (ёки) компенсацияларни микдорини белгилаш;

- Жамият Ижроия органига тўланадиган ҳак, мукофот ва (ёки) компенсацияларни энг юқори микдорларини белгилаш;

- Жамиятнинг жорий хўжалик фаолияти билан боғлиқ битимларни аниклаш.

Амалдаги қонунчилик ва мазкур Уставда кўзда тутилган бошқа масалаларни ҳал этиш.

10.5. Акциядорлар умумий йигилишининг ваколат доирасига киритилган масалалар Жамиятнинг Кузатув кенгаши ҳал қилиши учун берилиши мумкин эмас, ушбу Уставда кўзда тутилган ҳоллар бундан мустасно.

Акциядорлар умумий йигилишининг мутлақ ваколатига киритилган масалалар ҳал қилиш учун Жамият ижроия органига берилиши мумкин эмас.

10.6. Овозга қўйилган масала бўйича, акциядорларнинг умумий йигилиши қарори йигилишда иштирок этаётган Жамият овоз берувчи акциялари эгаси бўлмиш акциядорларнинг кўпчилик овози билан қабул қилинади, қонунчиликда қарор қабул қилиш бўйича назарда тутилган ўзгача қоидалар бундан мустасно.

10.7. Акциядорлар умумий йигилишини чақириш, ўтказиш ҳамда умумий йигилиш ўз ишини амалдаги қонунчилик, ушбу устав ва акциядорлар умумий йигилиши томонидан тасдиқланган “Акциядорлар умумий йигилиши тўғрисида”ги Низомда белгиланган тарибда амалга оширилади.

10.8. Акциядорларнинг умумий йигилишда иштирок этиш хукуки шахсан акциядор томонидан ёки унинг вакили орқали амалга оширилади.

10.9. Акциядор акциядорларнинг умумий йигилишидаги ўз вакилини исталган вактда алмаштиришга ёки йигилишда шахсан узи иштирок этишга хақлидир.

## XI. ЖАМИЯТ КУЗАТУВ КЕНГАШИ

11.1. Жамият кузатув кенгаши жамият фаолиятига умумий раҳбарликни амалга оширади, акциядорлар умумий йигилишининг мутлақ ваколатига тааллукли масалалар бундан мустасно.

11.2. Жамият Кузатув кенгашининг ваколатлариға қуидагилар киради:

- Жамият фаолиятининг устувор йуналишларини белгилаш;
- Жамият акциядорларининг йиллик ва навбатдан ташкари умумий йиғилишларини чақириш, амалдаги конунчиликда назарда тутилган ҳоллар бундан мустасно;
- акциядорлар умумий йиғилишининг кун тартибини тайёрлаш;
- акциядорларнинг умумий йиғилиши ўтказиладиган сана, вақт ва жойни белгилаш;
- акциядорларнинг умумий йиғилиши хақида хабар килиш учун Жамият акциядорлари реестрини шакллантириш санасини белгилаш;
- Жамият Уставига ўзгартиш ва кўшимчалар киритиш ёки Жамият янги таҳрирдаги Уставини тасдиқлаш масалаларини акциядорларнинг умумий йиғилиши мухокамасига тақдим этиш;
- мол-мулкнинг бозор қийматини белгилашни ташкил этиш;
- Жамиятнинг ижроия органи аъзоларини (Ижроия органи раҳбари – Бошқарув раисидан ташқари) сайлаш (тайинлаш), шунингдек уларнинг ваколатларини муддатидан илгари тугатиш;
- корпоратив маслаҳатчини тайинлаш ва унинг фаолияти тартибини белгиловчи Низомни тасдиқлаш;
- Жамиятнинг ички аудит хизматини ташкил этиш, унинг ходимларини тайинлаш, шунингдек ҳар чоракда унинг хисоботларини эшитиб бориш;
- Жамиятнинг ижроия органи фаолиятига дахлдор ҳар қандай хужжатдан эркин фойдаланиш ва ижроия органидан Жамият Кузатув кенгashi зиммасига юклатилган вазифаларни бажариш учун уларни олиш. Олинган хужжатлардан Жамият Кузатув кенгashi ва унинг аъзолари факат хизмат максадларида фойдаланишлари мумкин;
- аудиторлик текширувани ўтказиш тўғрисида, аудиторлик ташкилотини ва унинг хизматлариға тўланадиган хақнинг энг кўпмиқдорини белгилаш хақида карор қабул қилиш;
- Жамият тафтиш комиссияси аъзоларига тўланадиган хақ ва компенсация миқдори юзасидан ҳамда аудиторлик ташкилотининг хизматлариға тўланадиган хақ миқдори чегарасини белгилаш;
- акциялар бўйича дивидендлар миқдори ва уларни тўлаш тартиби юзасидан тавсиялар бериш;
- Жамият фаолияти учун зарур бўлган бошқа жамғармаларни (фондларни) ташкил этиш;
- Жамиятнинг захира ва бошқа фондларидан фойдаланиш;
- Жамиятнинг филиалларини ташкил этиш ҳамда ваколатхоналарини очиш;
- Жамиятнинг шуъба ва тобе корхоналарини ташкил этиш;
- Конун хужжатларида кўзда тутилган ҳолларда йирик битимлар тузиш тўғрисида карор қабул қилиш;
- Конун хужжатларида кўзда тутилган ҳолларда аффилланган шахслар иштирокида битимлар тузиш тўғрисида карор қабул қилиш;
- “Акциядорлик жамиятлари ва акциядорларнинг хукукларини ҳимоя қилиш тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикасининг Қонунининг 8-бобига асосан баланс киймати ёки олиш қиймати битим тузиш тўғрисида карор қабул қилинаётган санада Жамият соғ активлари миқдорининг (Жамият соғ активлари миқдори карор қабул қилинаётган санадан олдинги хисоботи санасига тузилган молиявий хисобот бўйича аникланади) 15 фоизидан 50 фоизгача бўлган миқдорни этадиган битимлар ёки узаро боғлик бир канча битимлар тузиш тўғрисидаги карор қабул қилиш;
- Жамиятнинг корпоратив облигацияларини қайтариб сотиб олиш тўғрисида карорлар қабулкилиш;

- Жамиятнинг устав капиталини кўпайтириш ҳамда ушбу ҳакида Жамият Уставига тегишли ўзгартишлар ва кўшимчалар киритиш;
- Жамият акцияларини жойлаштириш (қимматли қоғозларнинг биржа бозорига ва уюшган биржадан ташқари бозорига чиқариш) нархини белгилаш;
- Жамият томонидан корпоратив облигациялар, шу жумладан акцияларга айирбошланадиган облигациялар чиқариш тўғрисида қарор қабул қилиш;
- Қонун ҳужжатлари ва акциядорлар умумий йиғилиши томонидан белгиланган миқдорлар доирасида, барча акциядорларга маълумотларни ошкор этган ҳолда ҳомийлик (хайрия) ёки беғараз ёрдам кўрсатиш (олиш) тартиби ва шартларини белгилаш ҳамда бу борада қарор қабул қилиш;
- Кузатув кенгаши қошида тегишли масалалар бўйича қўмиталар (ишчи гурухлар) ташкил қилиш.

Ушбу Устав ва амалдаги қонунчиликка мувофиқ Жамият Кузатув кенгаши ваколатларига киритилган бошқа масалаларни ҳал этиш.

11.3. Жамият Кузатув кенгаши ўз ишини амалдаги қонунчилик, ушбу устав ва акциядорлар умумий йиғилиши томонидан тасдиқланган "Кузатув кенгаши тўғрисида"ги Низом асосида амалга оширади.

11.4. Жамият Кузатув кенгашининг ваколатларига киритилган масалалар ҳал қилиш учун Жамият Ижроия органига ўтказилиши мумкин эмас.

11.5. Жамият Кузатув кенгаши умумий йиғилиши томонидан З(уч) йиллик муддатга кумулятив овоз бериш оркали сайланадилар. Жамият Кузатув кенгаши аъзоларининг сони 9 кишидан иборат бўлиб, стратегия ва инвестициялар, аудит, тайинловлар ва хақ тўлаш, коррупцияга қарши курашиб ва этика қўмиталарини ташкил қилишга хакли, уларнинг таркибига мустақил аъзолар ҳам киритилиши мумкин.

11.6. Кузатув кенгаши таркиби давлат улуши бўйича сайланган аъзолар фаолиятига корхонада трансформация жараёнларининг самарали ташкил этиш, корхонанинг ташки қарзларини оптималлаштириш, замонавий харид тизимини жорий этиш, инвестиция лойиҳаларини молиялаштиришга мукобил маблағларни жалб этиш каби мезонлар асосида баҳо бериш.

11.7. Мулкни бегоналаштириш, уни сотиш шакли ва механизмини, жамият ва унинг таркибидаги корхоналар устав капиталига учинчи шахслар томонидан инвестиция киритиш бўйича келишувларни (битим, шартнома, меморандум ва бошқалар) мажбурий тарзда ушбу корхоналар кузатув кенгаши билан келишилгандан кейин тузиш, ҳомийликка сарфланадиган ҳар йилги харажатлари ўтган йилда олинган соф фойданинг З фоизидан ошмаслиги керак ҳамда бу харажатлар улар бизнес-режасининг ўтган хисобот давридаги соф фойдага тааллуқли кисми кўрсаткичлари бажарилганда амалга оширилади (бундан Ўзбекистон Республикаси Президенти ва Хукумати карорларида назарда тутилган ҳоллар мустасно).

11.8. Жамиятнинг асосий фаолиятига хос бўлмаган янги кўчмас мулк объектларини сотиб олиш ёки куриш, ракобат ривожланган соҳада асосий фаолиятидан ташқари кўшимча фаолият билан шугулланиш, асосий фаолиятига хос бўлмаган хўжалик жамиятлари устав капиталида иштирок этиш ёки ундаги улушни сотиб олиш таъкиданади. Бунда, жамият томонидан асосий фаолиятига хос бўлган янги кўчмас мулк объектларини сотиб олиш ёки куриш ҳамда хўжалик жамиятлари устав капиталидаги улушни сотиб олиш, шунингдек, асосий фаолиятидан ташқари кўшимча фаолият билан шугулланиш кузатув кенгаши қарорига асосан амалга оширилади, Ўзбекистон Республикаси Президенти ва Хукумати карорларида назарда тутилган ҳоллар бундан мустасно.

Жамият Кузатув кенгаши аъзолари олий маълумотга эга бўлиши шарт.

11.9. Жамият Кузатув кенгаши мажлислари унинг раиси томонидан ҳар чоракда камида бир марта чакирилади. Заруриятга кўра, Жамият Кузатув кенгашининг навбатдан ташқари мажлислари ҳам ўтказилиши мумкин.

11.10. Ҳар чоракда ижро органининг ҳисоботини эштиш бўйича кузатув кенгашининг мажлисларини сиртдан овоз бериш йўли билан (сўров йўли билан) ўтказиш йўл қўйилмайди, ижро органи раҳбари ва бошқарув аъзоларининг харакати (харакатсизлиги) натижасида корхона манфаатларига етказилган ҳар қандай зарар, зиён, уларнинг оқибатида юзага келувчи жарима, пеня ва бошқа мажбурий тўловлар учун ушбу шахсларнинг субсидиар жавобгарлигини улар билан тузиладиган меҳнат шартномаларида катъий белгиланади.

11.11. Жамият ижро органи раҳбарининг трансформация масалалари бўйича биринчи ўринbosари ва лойиха офисининг харажатлар алоҳида тасдиқлаш, Жамият кузатув кенгаши томонидан ижро органи раҳбарига хусусийлаштириш жараёнларини, шу жумладан акцияларни оммавий жойлаштиришни (IPO) сифатли ва белгиланган муддатларда амалга оширганлиги учун алоҳида мукофот ёки амалга оширмаганлик учун жавобгарлик чораларини белгилаш;

11.12. Жамият Кузатув кенгашининг раиси кузатув кенгаш аъзоларининг умумий сонига нисбатан кўпчилик овоз билан, ушбу кенгаш таркибидан кузатув кенгаши аъзолари томонидан сайланади. Кузатув кенгаши ўз раисини кузатув кенгаши аъзоларининг умумий сонига нисбатан кўпчилик овоз билан қайта сайлашга ҳаклиdir.

11.13. Кузатув кенгашининг раиси унинг ишини ташкил этади, кузатув кенгаши мажлисларини чакиради ва уларда раислик қилади, мажлисда баённома юритилишини ташкил этади.

11.14. Кузатув кенгаши раиси йўқ бўлган ҳолларда унинг вазифасини кенгаш аъзоларидан бири жами аъзоларининг кўпчилик овози билан амалга оширади.

11.15. Кузатув Кенгаши мажлисида кун тартибида кўрсатилган масалалар кўриб чикилади. Жамият Кузатув кенгаши аъзоси Кузатув кенгаши йигилиши кун тартибига кўшимча масалаларни кўшиши (киритиши) ва кўриб чикиши мумкин. Ушбу масалалар бўйича қарор Кузатув кенгаши жами аъзоларининг кўпчилик овози билан кабул қилинади.

11.16. Жамият кузатув кенгашининг мажлисида қарорлар мажлисда хозир бўлганларнинг кўпчилик овози билан қабул қилинади, агар қонунчиликда ва мазкур уставда ўзгача коида назарда тутилмаган бўлса.

11.17. Кузатув кенгаши мажлислари телефон конференция тизими (видео-аудио селектор) ёки мажлисда шахсан катнашиш йўли билан ўтказилиши мумкин. Кузатув кенгашининг ҳар қайси аъзоси мажлисда шахсан катнашишини иложи бўлмаса, телефон орқали катнашиши ва овоз бериши мумкин, бунда уларнинг овозлари қарор қабул қилиш учун сиртдан берилган деб ҳисобланмайди. Шунингдек ижро органи раҳбари шундай таклиф тушганда телефон алокасини ташкил қилиш бўйича барча чораларини кўриши лозим. Агар мажлисда катнашаётган Кузатув кенгашининг ҳар қандай аъзоси билан телефон алокаси узилиб колса, телефон алокаси тиклангунча мажлис тўхтатибтурилади.

11.18. Кузатув кенгаши қарорлари Кузатув кенгашининг барча аъзоларининг бир овоздан сиртдан овоз бериш (сўров ўтказиш йўли) билан қабул қилиниши мумкин. Кузатув кенгашининг бундай қарорлари (баёномаси) Жамиятга белгиланган вактда етиб келган, ҳар бир аъзо томонидан имзоланган сўров варақалари илова килинган ҳолда барча аъзолари томонидан имзоланади.

11.19. Жамият кузатув кенгаши мажлисининг баённомаси мажлисда иштирок этаётган жамият кузатув кенгаши аъзолари томонидан имзоланади, улар мажлиснинг баённомаси тўғрилиги учун жавобгардир.

## **ХII. ЖАМИЯТ ИЖРОИЯ ОРГАНИ (БОШҚАРУВИ)**

12.1. Жамиятнинг кундалик фаолиятига раҳбарлик қилиш коллегиал ижроия органи –Бошқарув томонидан амалга оширилади. Жамият Бошқаруви–беш нафар аъзодан иборат.

12.2. Бошқарув Жамиятнинг ижро этувчи органи ҳисобланиб, унинг кундалик фаолиятини бошқаради ва оператив раҳбарликни Ўзбекистон Республикаси қонунчилиги, Жамият Устави, акциядорлар умумий йигилишива Жамият Кузатув кенгашининг қарорларига мувофиқ амалга оширади.

12.3. Жамият Бошқаруви акциядорлар умумий йигилиши ва Жамият Кузатув кенгашига ҳисобот беради.

12.4. Бошқарув раиси билан меҳнат шартномаси Жамият номидан Жамият Кузатув кенгаши раиси томонидан З йил муддатга тузилади.

Ижро органи раҳбари сифатида тайинланган (қайта тайинланган) шахс сурункасига икки муддатдан ортиқ ижро органи раҳбари бўлиши мумкин эмас.

Бошқарув – ижроия органи аъзолари билан тузиладиган меҳнат шартномаси Бошқарув раиси томонидан имзоланади.

12.5. Жамият Бошқарувининг ваколатларига Жамиятнинг кундалик фаолиятига раҳбарлик қилишга доир барча масалалар киради, акциядорлар умумий йигилишининг мутлақ ваколатларига ёки Жамият Кузатув кенгашининг ва колатларига киритилган масалалар бундан мустасно.

12.6. Жамият Бошқаруви акциядорлар умумий йигилиши ва Жамият Кузатув кенгашининг қарорлари бажарилишини ташкил этади.

12.7. Жамият Бошқаруви мавжуд қонунчилик, мазкур устав ва акциядорлар умумий йигилиши томонидан тасдиқланган “Ижроия органи тўғрисида”ги Низом асосида иш олиб боради.

12.8. Жамият Бошқарувининг мажлиси зарур холларда, бирок бир ойда камида бир марта ўтказилади. Жамият Бошқаруви томонидан Кузатув кенгаши ёки Акциядорларнинг умумий йигилиши ҳал қилиши учун киритиладиган масалалар мажбурий тартибда Бошқарув мажлисида олдиндан муҳокама этилади. Бошқарувнинг фикри ҳақида Кузатув кенгашида ва Акциядорларнинг умумий йигилишида Бошқарув раҳбари – Бошқарув раиси ёки у томонидан ваколат берилган Бошқарув аъзоси ахборот беради ва химоякилади.

12.9. Жамият Бошқарув мажлиси унинг кун тартибига киритилган масалаларни, агар мажлисда ижроия аъзоларининг 60 фойзидан ортиқ кисми қатнашса, ҳал қилишга хақлидир.

12.10. Жамият Бошқарув мажлисида қарорлар мажлисда катнашаётган Бошқарув аъзоларининг оддий қўпчилик овози билан қабул қилинади. Бошқарув мажлисида масалалар ҳал этилаётганда Бошқарувнинг ҳар бир аъзоси битта овозга эга. Овозлар teng бўлиб қолган тақдирда, жамият Бошқаруви раҳбарининг овози ҳал этувчи ҳисобланади.

12.11. Жамият Бошқаруви томонидан қабул қилинган қарорга рози бўлмаган Бошқарув аъзолари ўз фикрларини жамият Кузатув Кенгашига билдиришлари мумкин.

12.12. Ижро органи аъзоларига ойлик иш хақи ва йил якунлари бўйича бир йўла тўланадиган мукофот тўловлардан ташкари ҳар қандай қўшимча тўлов турлари бекор қилиш.

12.13. Жамият Бошқаруви мажбуриятлари ва ваколатларига куйидагилар киради:

- Жамиятни ривожлантириш дастурлари ишлаб чикиш ва уларни ташкил этиш ва бажарилишини таъминлаш;
- Жамиятнинг йиллик бизнес-режасини ишлаб чикиш ва уни лойхасини жорий йилнинг 20 ноябрдан кечиктирмай кузатув кенгашига тақдим этиш;
- Жамиятнинг йиллик бизнес-режаси бажарилиши бўйича ҳар чоракда кузатув кенгашига ҳисобот бериш;
- Жамиятнинг инвестицион фаолиятини амалга ошириш;
- ишлаб чикариладиган махсулотлар ва кўрсатаётган хизматларига баҳосини ва тарифларини белгилаш;
- акциядорлар умумий йиғилиши ва Жамият Кузатув кенгаши қарорларининг бажарилишини таъминлаш;
- жамиятда бухгалтерия ҳисоби юритилишини ташкил этиш, шу жумладан молиявий ҳисботларни эълон қилиш мақсадида уларни молиявий ҳисботлар ҳалқаро стандартларига трансформациясини таъминлаш;
- ташкил иктисодий фаолиятни амалга ошириш;
- Жамиятнинг ваколатли бошқарув органи томонидан тасдиқланган бизнес-режада кўрсатилган микдорларда фойда олишни таъминлаш;
- Жамиятнинг молия-хўжалик фаолияти тўғрисидаги хужжатларни Жамиятнинг Кузатув кенгаши, Тафтиш комиссияси ёки Жамият аудитори талабига кўратакдим этиш;
- филиал ващўба корхоналар фаолиятининг асосий йўналишларини белгилаш ва уларнинг бизнес-режаларини ва бажариш тўғрисидаги ҳисботларини тасдиқлаш;
- Жамиятнинг таркибий бўлинмаларининг ўзаро самарали ҳаракатини таъминлаш;
- ўз ваколати доирасида мол-мulkни сотиб олиш ва мол-мulkни бошқа шахсга ўtkазиш билан боғлик битимлар (умумий киймати қарор қабул килинган санада Жамиятсоф активларининг 5 фоиздан 15 фоизгача ташкил этадиган битимлар ёки ўзаро боғлик бир қанча битимлар) тузиш, карз, кредит ва гаров шартномаларини тузиш;
- Жамиятнинг тижорат сирини ташкил этувчи ахборотларни сақлаш ва уларни ходимлар томонидан сақланишини таъминлаш. Жамиятнинг тижорат сирини ташкил этувчи маълумотлар руйхати Жамият Бошқаруви томонидан белгиланади;
- Жамиятни малакали кадрлар билан таъминлаш, Жамият ходимларининг билими, малакаси, тажрибаси ва кобилиятларидан энг яхши фойдаланиш чораларини кўриш;
- ўз ваколатига тегишли ишларнинг холати тўғрисидаги ахборотни акциядорларнинг Умумий йиғилишига ва Жамият Кузатув кенгашига белгиланган муддатда тақдим этиш;
- амалдаги қонунчиликка мувоғик Жамиятда бухгалтерия ҳисоби ва ҳисботининг ташкил этилиши, зарур холати ва ишончлилигини, йиллик ҳисботлар ва бошқа молиявий ҳисботлар тегишли органларга ўз вақтида тақдим этилишини, шунингдек акциядорларга, кредиторларга ва бошқа олувчиларга юбориладиган Жамият фаолияти тўғрисидаги маълумотлар тақдим этилишини таъминлаш;

- Жамиятнинг самарали ва баркарор ишлашини таъминлаш, муддати ўтган дебиторлик ва кредиторлик карздорликларини вужудга келишини ва Жамиятнинг банкротлик ҳолатига келиб қолишини олдини олиш;

- Жамият Бошқаруви қонунчилик, ушбу устав ва Жамиятнинг меъёрий хужжатларига мувофик бошқа хуқуқ (ваколат) ва мажбуриятларга ҳам эга бўлиши мумкин.

12.14. Жамият Бошқарув раисининг мажбуриятлари ва ваколатларига куйидагилар киради:

- ўзининг ваколатлари доирасида Жамиятнинг ишига раҳбарлик қилиш;

- Жамият Кузатув кенгашининг розилигига кўра унинг ишида маслаҳат овози билан иштирок этади;

- Жамият номидан ишончномасиз иш юритади, давлат муассасалари, барча мулк шаклларидаги корхона ва ташкилотларда унинг манфаатларини химоя килади;

- банкларда ҳисоб ракамлар, шу жумладан валюта ҳисоб ракамларини очади ва Жамиятнинг банк ва бошқа молия хужжатларида биринчи имзо ваколатига эга бўлади;

- ўзининг ваколатлари доирасида, Жамият мижозлари, корхона ва ташкилотлар билан шартномалар ва контрактларни имзолайди ва битимлар тузади;

- ўз ваколатлари доирасида жамиятнинг мол-мулки ва пул маблағларини тассаруф этиш;

- штатларни белгилаш, ходимларнинг штат рўйхатини тасдиқлаш;

- Жамиятнинг таркибий бўлинмалар тўгрисидаги низомлар, ходимларнинг лавозим йўрикномаларини тасдиқлаш;

- Жамият шуъба корхоналари, ваколатхоналари ва филиаллари учун мажбурий бўлган қарор, бўйрук ва фармойишлар чиқариш;

- Жамиятнинг шуъба корхоналари ва филиаллари раҳбарларини лавозимга тайинлаш ва лавозимдан озод этиш;

- Жамият филиаллари ва шуъба корхоналари низомларини тасдиқлаш ва уларга ўзгаритириш ва қўшимчалар киритиш;

- Жамият филиллари ва шуъба корхоналарининг штат жадвалларини тасдиқлаш;

- Жамият ходимларини ишга қабул килади, улар билан меҳнат шартномаларини тузади ва бекор қилади, рағбатлантиради ҳамда уларга нисбатан интизомий жазо чораларини қўллади, ходимлар томонидан меҳнат ва ижро интизомини саклаб туришини таъминлайди;

- Жамият номидан амалдаги қонунчиликка асосан ишончномаларни бериш;

- ўз ваколати доирасида мол-мулкни сотиб олиш ва бошқа шахсга ўтказиш билан боғлик битимлар (умумий қиймати қарор қабул қилинган санада Жамият соғ активларининг 5 фоизини ташкил этадиган битимлар ёки ўзаро боғлик бир қанча битимлар) тузиш, қарз, кредит ва гаров шартномаларини тузиш;

- Жамиятнинг барча ходимлари томонидан бажарилиши мажбурий бўлган бўйрук ва фармойишлар чиқаради ва кўрсатмалар беради;

- Жамият ходимларининг ижтимоий кафолатларига риоя қилинишини ва улар меҳнатини муҳофаза қилишни таъминлаш;

- ўз ваколатлари доирасида Жамиятнинг самарали ва баркарор ишлашини таъминлаган ҳолда унинг жорий фаолиятига раҳбарлик қилади;

- акциядорлар умумий йигилиши ва Жамият Кузатув кенгashi қарорларининг бажарилишини ташкил этиш;

- Жамият Бошқарув раиси қонунчилик, ушбу Устав ва Жамиятнинг меъёрий хужжатларига мувофик бошқа хукуқ (ваколат) ва мажбуриятларга хам эга бўлиши мумкин.

12.15. Бошқарув раиси хизмат сафари ёки бошқа сабабларга кўраиш жойида бўлмаган вактда, унинг вазифаларини вақтинча бажарувчи шахсни тайинлашни фақат жамият кузатув кенгашининг розилиги билан йўл кўйилади.

12.16. Жамият Бошқарув аъзолари ва жамият Бошқрув раиси қонун хужжатларига ва ушбу уставга мувофик жамият олдида жавобгардир.

12.17. Бошқарув аъзолари ва жамият Бошқарув раиси томонидан ушбу Устав ва меҳнат шартномаси шартлари кўпол равища бузилса, ёхуд Жамият бизнес-режасининг тасдиқланган кўрсатгичларни бажарилиши бузилган ҳолларда ва уларнинг харакатлари (харакатсизлиги) натижасида Жамиятга келтирилган заарлари сабабли улар билан тузилган шартнома Жамият кузатув кенгashi томонидан муддатидан илгари бекор қилиниши мумкин.

12.18. Бошқарув раисининг ваколатлари муддатидан илгари тугатилган ҳолларда унинг вазифасини вақтинча бажариш Жамият Кузатув кенгашининг қарорига мувофик бошқа шахсга юклатилади.

12.19. Жамият Бошқаруви ўз хукукларини амалга оширишда ва ўз бурчларини бажаришда Жамият манфаатларини кўзлаб иш тутиши лозим.

### **XIII. МИНОРИТАР АКЦИЯДОРЛАР ҚЎМИТАСИ**

13.1. Миноритар акциядорларнинг хукуклари ва қонуний манфаатларини ҳимоя қилиш мақсадида жамиятда уларнинг орасидан, 3 нафар аъзодан иборат бўлган, миноритар акциядорларнинг қўмитаси ташкил этиши мумкин.

13.2. Миноритар акциядорлар қўмитасининг таркибига номзодлар бўйича таклифлар жамиятга жамият Кузатув кенгашига номзодлар бўйича таклифлар киритиш учун назарда тутилган тартибда ва муддатларда киритилади.

13.3. Миноритар акциядорлар қўмитасининг аъзоларини сайлашда акциядорларнинг умумий йигилишида ҳозир бўлган ва жамият кузатув кенгашига номзодлар кўрсатмаган ёхуд акциядорларнинг ўтказилаётган умумий йигилишида Кузатув кенгашига номзодлари сайланмаган акциядорлар иштирок этади.

Миноритар акциядорлар қўмитасининг таркибига жамиятнинг Бошқарув раиси, бошқарув аъзолари, шунингдек жамиятнинг кузатув кенгашига ва тафтиш комиссиясига сайланган шахслар кириши мумкин эмас.

13.4. Миноритар акциядорлар қўмитасининг ваколатига қўйидагилар киради:  
акциядорларнинг умумий йигилиши ёки жамиятнинг кузатув кенгashi қўриб чикиши учун киритилаётган йирик битимлар ва аффилланган шахслар билан битимлар тушишга оид масалалар бўйича таклифлар тайёрлашда иштирок этиш;

миноритар акциядорларнинг ўз хукуклари ва қонуний манфаатларини ҳимоя қилиш билан боғлик мурожаатларини қўриб чикиш;

кимматли когозлар бозорини тартибга солиш бўйича ваколатли давлат органига миноритар акциядорларнинг хукуклари ва қонуний манфаатларини ҳимоя қилиш тўғрисида мурожаатлар киритиш;

қонун хужжатларига мувофик бошқа масалаларни қўриб чикиш.

13.5. Миноритар акциядорлар қўмитасининг қарорлари оддий кўпчилик овоз билан қабул қилинади. Миноритар акциядорлар қўмитасининг мажлислари унинг миқдор таркибига сайланган шахсларнинг камидаги тўртдан уч қисми ҳозир бўлганда ваколатлидир.

13.6. Миноритар акциядорларнинг қўмитаси қабул қилинган қарорлар тўғрисида ҳар йили акциядорларнинг умумий йигилишида ҳисобот беради.

13.7. Миноритар акциядорлар қўмитасининг раиси ушбу қўмита таркибидан миноритар акциядорлар қўмитасининг аъзолари томонидан кўпчилик овоз билан сайланади.

13.8. Миноритар акциядорлар қўмитасининг фаолият кўрсатиш тартиби қимматли қоғозлар бозорини тартибга солиш бўйича ваколатли давлат органи томонидан тасдиқланади.

13.9. Миноритар акциядорлар қўмитаси жамиятнинг хўжалик фаолиятига аралашибига ҳақли эмас.

13.10. Миноритар акциядорлар қўмитасининг фаолиятига жамият кузатув кенгашининг ёки ижроия органининг аралашувига йўл қўйилмайди.

#### **XIV. МОЛИЯ-ХЎЖАЛИК ФАОЛИЯТИНИАЗОРАТ ҚИЛИШ**

##### **а) Тафтиш комиссияси**

13.1. Жамиятнинг молия-хўжалик фаолиятини назорат қилиш учун акциядорларнинг умумий йигилиши томонидан 3 (уч) кишидан иборат тафтиш комиссияси (тафтишчиси) тузилиши мумкин.

13.2. Жамият тафтиш комиссиясининг ёзма талабига кўра жамият Бош директори жамиятнинг молия-хўжалик фаолияти тўғрисидаги хужжатларни тафтиш комиссиясига тақдим этиши шарт.

13.3. Тафтиш комиссияси амалдаги қонунчиликка мувофиқ акциядорларнинг навбатдан ташқари умумий йигилиши чакирилишини талаб қилишга ҳақли.

13.4. Жамият тафтиш комиссиясининг аъзолари бир вақтнинг ўзида жамият кузатув кенгашининг аъзоси бўлиши, шунингдек айни шу жамиятда меҳнат шартномаси (контракт) бўйича ишлаши мумкин эмас.

13.5. Жамиятнинг молия-хўжалик фаолиятини текшириш тафтиш комиссиясининг, акциядорлар умумий йигилишининг, кузатув кенгашининг ташаббусига кўра ёки жамият овоз берувчи акцияларининг камидаги 5 фойзига эгалик килувчи акциядорнинг (акциядорларнинг) талабига кўра жамият кузатув кенгашини олдиндан хабардор қилиш йўли билан бир йиллик ёки бошқа давр ичидаги фаолият якунлари бўйича амалга оширилади.

13.6. Жамиятнинг молия-хўжалик фаолиятини текшириш якунларига кўра жамиятнинг тафтиш комиссияси хулоса тузади, бу хулосада:

- жамиятнинг ҳисботларида ва бошқа молиявий хужжатларида кўрсатилган маълумотларнинг ишончлилигига доир баҳо;

- бухгалтерия ҳисобини юритиш ва молиявий ҳисботни тақдим этиш тартиби бузилганлиги, шунингдек молия-хўжалик фаолияти амалга оширилаётганда қонун хужжатлари бузилганлиги фактлари тўғрисидаги ахборот кўрсатилиши шарт.

13.7. Тафтиш комиссиясининг хулосаси мазмунига қўшимча талаблар акциядорларнинг умумий йигилиши томонидан белгиланади.

13.8. Тафтиш комиссияси жамиятда аффилланган шахслар билан тузилган битимлар ёки йирик битимлар мавжудлиги, шунингдек конун хужжатларининг ва жамият ички хужжатларининг бундай битимларни тузишга доир талабларига риоя қилиниши тўғрисидаги хulosани ҳар чоракда жамият кузатув кенгашининг мажлисида ва акциядорларнинг йиллик умумий йиғилишида эштилади.

13.9. Тафтиш комиссияси мазкур Устав ва акциядорлар умумий йиғилиши томонидан тасдиқланадиган «Жамият тафтиш комиссияси тўғрисида»ги низом асосида иш олиб боради ва уларга белгиланган тартибда мукофот пули тўланади.

#### **б) Ички аудит хизмати**

13.10. Жамиятактивларининг баланс қиймати энг кам иш ҳаки миқдорининг юзминг баробаридан кўпбўлганлиги сабабли Жамиятда ички аудит хизмати ташкил этилади. Ички аудит хизмати жамиятнинг Кузатув кенгашига хисобдордир.

13.11. Ички аудит хизмати Жамиятнинг ижроия органи, ваколатхоналари ва филиаллари томонидан конун хужжатларига, таъсис хужжатлари ва бошқа хужжатларга риоя этилиши, бухгалтерия ҳисоби ва молиявий хисоботларда маълумотларнинг тўлиқ ҳамда тўғри акс эттирилишини таъминланиши, хўжалик операцияларини амалга оширишнинг белгиланган қоидалари ва тартибтаомилларига риоя этилиши, активларнинг сақланиши, шунингдек Жамиятни бошқариш юзасидан конун хужжатларида белгиланган талабларга риоя этилиши ҳамда устав капиталини 50 фоизи миқдоридаги улуш жамиятга тегишли бўлган юридик шахсларнинг хўжалик муомалаларини ички назоратини амалга оширади ва бу борада мониторинг олиб бориш оркали Жамиятнинг ижроия органи, ваколатхоналари ва филиаллари ишини назорат қилади ҳамда баҳолайди.

13.12. Ички аудит хизмати ўз фаолиятини конун хужжатларида белгиланадиган тартибга мувофиқ амалга оширади.

#### **в) Аудиторлик ташкилоти (ташқи аудитор)**

13.13. Аудиторлик ташкилоти Жамият билан тузилган шартномага мувофиқ конун хужжатларида белгиланган тартибда Жамиятнинг молия-хўжалик фаолиятини текширади ва унга аудиторлик хulosаси такдим этади.

13.14. Аудиторлик ташкилоти Жамиятнинг молиявий ҳисботи ва молияга доир бошқа ахборотлар ҳақида нотўғри якун баён этилган аудиторлик хulosаси тузганлик оқибатида етказилган зарар учун Жамият олдида жавобгар бўлади.

## **XV. КОРПОРАТИВ МАСЛАҲАТЧИ**

14.1. Жамиятда корпоратив маслаҳатчи лавозими жорий этилиши мумкин.

14.2. Корпоратив маслаҳатчи Жамият Кузатув кенгashi томонидан тайинланади ва унга хисобдордир.

14.3. Корпоратив маслаҳатчи Жамият ва унинг акциядорлари ҳамда инвесторлар ўртасидаги ўзаро муносабатларни мувофиқлаштириш, жамият фаолиятида корпоратив бошқарув масалаларига оид вазифаларни бажаришни ташкиллаштиради ва назорат қилади.

14.4. Корпоратив маслаҳатчининг фаолияти Жамият Кузатув кенгashi томонидан тасдиқланган “Корпоратив маслаҳатчи тўғрисида”ги Низом билан белгиланади.

## **XVI. ЖАМИЯТНИ ҚАЙТА ТАШКИЛ ЭТИШ ВА ТУГАТИШ**

#### **а) Жамиятни қайта ташкил этиш тартиби.**

15.1. Жамиятни қайта ташкил этиш (жумладан: қўшиб олиш, қўшиб юбориш, бирлаштириш, бўлиш, ажратиб чиқариш ва қайта тузиш) акциядорлар умумий йигилишининг қарори асосида, шунингдек, амалдаги қонун хужжатлари билан белгиланган ҳолларда ва тартибда амалга оширилади.

**б) Жамиятни тугатиш тартиби.**

15.2. Жамиятни тугатиш акциядорлар умумий йигилишининг қарори асосида, шунингдек, амалдаги қонунхужжатлари билан белгиланган ҳолларда ва тартибда амалга оширилади. Жамиятни тугатиш унинг хукуқ, ва мажбуриятлари хукукий ворислик тартибida бошқа шахсларга ўтмаган ҳолда Жамият фаолиятиниг тўхтатилишига олиб келади.

**XVII. ЯКУНИЙ ҚОИДАЛАР**

16.1. Мазкур уставга киритиладиган барча ўзгартириш ва қўшимчалар Ўзбекистон Республикасининг тегишли давлат органидан белгиланган тартибда рўйхатга олинади.

16.2. Агар мазкур уставни бирон бир қоидаси ўз кучини йўқотган бўлса, бу қоида бошқа қоидаларни тўхтатиш учун сабаб бўлмайди.

16.3. Агар Ўзбекистон Республикасининг қонунчилик хужжатларида мазкур уставда назарда тутилганидан бошқача қоидалар белгиланган бўлса, Ўзбекистон Республикасининг амалдаги қонунчилик хужжатлари қоидалари қўлланилади.

16.4. Мазкур уставда тартибга солинмаган муносабатлар Ўзбекистон Республикасининг қонунчилиги билан тартибга солинади.

“Фарғона ёғ-мой” АЖ  
бошқарув раиси



Б.Т.Қаюмов

Тикилган, мухланган,

ракамланган Дүйнеширлашварык,

“Фаронга ёрдамбай” АЖ

  
Б.Т.Каюмов

